# ЛОЙИҲА–СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 20

ФАРҒОНА ШАҲРИ 2022 ЙИЛ "18" апрель

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган **«Қишлоққурилишинвест»** МЧЖ ИК Фарғона вилояти филиали номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори И.Хабилов бир томондан, кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **«Fargonaumumtadbirqurloyiha»** масъулияти чекланган жамият номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Абдурахмонов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **«Фарғона вилояти Фурқат тумани "Ғунча" МФЙ Шўхай қишлоғида наъмунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 2 дона 5 қаватли 3 подъездли 30 хонадонли уй-жойлар учун ичимлик ва оқава сув объекти»** га тик қудуқ қуриш ишлари ҳамда сув иншооти ҳудудини ташқи ва ички электр таъминоти лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «**Пудратчи**» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда; 2022 й. «13» 04 кунги танлов ҳайъати йиғилиши 62556 сонли баёнига асосан олган ҳолда жорий нархларда **35 270 000 (ўттиз беш миллион икки юз етмиш минг**) сўмни ташкил этади шундан муаллифлик назорати учун **1 000 000 (бир миллион)** сўмни ташкил этади ҚҚС билан.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар **2022 йил "31" 12 да** буюртмачига тўлиқ топширилади

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНҚ ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш тақиқланади.

## 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** фоизи миқдорида аванс ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан объект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3.Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## 6.Ишларни бажариш

6.1.Пудратчи лойиҳа ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

## 7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун ичида, далолатнома имзоланган вақтдан бошлаб, Пудратчига ҳақиқий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича ҳақиқий қилинган харажатдан ошса, иккинчиси юқоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида фарқ суммасини қайтаришга мажбур бўлади.

## 9.Низоларни ҳал қилиш

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 10.Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

10.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширимаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 11.Шартномани бекор қилиш

11.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

11.2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

11.3.Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни

белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса. Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

11.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.
11.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 12.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

**«Буюртмачи»**

**"Қишлоққурилишинвест" МЧЖ ИК**
**Фарғона вилояти филиали**
**Манзил:** Фаргона ш. Сайлгох кўча №13 уй
**Тел./факс:** 73- 401-40-78
**ШХР:**
301121860304017063201110122

**Ташкилотнинг СТИРи:** 201 167 485
**ИФУТ:** 61 133
Фаргона вилояти буйича Ғазначилик бошкармаси
**ЯГХ:** 23 402 000 300 100 001 010
**Банк номи:** Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) **МФО:** 00014 **Ғазначилик булинмасининг**
**СТИРи:** 201 122 919

**Директор:** ______________ **И.Хабибов**

**«Пудратчи»**

**«FARG ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA» МЧЖ**

**Манзил:** Фарғона ш. Фаробий кўча 11/18 уй
**х.р.:** 2020 8000 0045 7673 9001

**Банк:** АТБ «ТуронБанк» Фарғона филиали

**МФО:** 00 498 **ИНН:** 300 196 437 **ОКЭД:** 71120

**Тел:** (99891) 110-91-93 **Факс** ______________

**Директор:** ______________ **А.Абдурахмонов.**

Юр'С Род А.Томинов

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 62556 на приобретение "Фарғона вилояти Фурқат тумани "Ғунча" МФЙ Шўхай қишлоғида наъмунавий лойихалар асосида қурилаётган 2 дона 5 қаватли 3 подъездли 30 хонадонли уй-жойлар учун ичимлик ва оқава сув объекти" га тик қудуқ

Способ проведения электронный

Дата 13.04.2022

Время рассмотрения 13.04.2022 17:46

Конкурсная комиссия Кишлок курилиш инвест МЧЖ ИК Фаргона вилояти филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Abdullayev Elmurod Ergashevich | Direktor o'rinbosari | Qishloqqurilishinvest IK MCHJ Fargona filiali |
| **Секретарь комиссии** | ISROILOV MURODIL BAXODIROVICH | Mutaxasis | Qishloqqurilishinvest IK MCHJ Fargona filiali |
| **Член комиссии** | ALTINBAYEV ALISHER AVAZOVICH | Mutaxasis | Qishloqqurilishinvest IK MCHJ Fargona filiali |
| **Член комиссии** | UMAROV ISLOMJON YUNUSALIYEVICH | Bosh buxgalter | Qishloqqurilishinvest IK MCHJ Fargona filiali |
| **Член комиссии** | A'ZAMOV SHUXRATJON MUXTOROVICH | Bosh mutaxasis | Qishloqqurilishinvest IK MCHJ Fargona filiali |
| **Член комиссии** | UMAROV BEKZOD BAXRAMOVICH | Бош мутахасис | "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ Фарғона вилояти филиали |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.04.2022 года № лота 62556.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по проектно - изыскательной работе** |
| Подробное описание | "Фарғона вилояти Фурқат тумани "Ғунча" МФЙ Шўхай қишлоғида наъмунавий лойихалар асосида қурилаётган 2 дона 5 қаватли 3 подъездли 30 хонадонли уй-жойлар учун ичимлик ва оқава сув объекти" га тик қудуқ қуриш ишлари ҳамда сув иншооти худудини ташқи ва ички электр таъминоти учун лойиҳа смета хужжатлари ишлаб чиқиш. (гидрогеология хулосалари олиш ва муалифлик назорати олиб бориш ишлари қиймати билан) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 35 320 000.00 |
| Стартовая сумма | 35 320 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлик маълумотномаси киритилиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | Солик маълумотномаси | 100 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | Солик маълумотномаси бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг лицензия ва гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳачи ташкилотнинг рўйхатдан ўтканлик тўғрисидаги тасдиқловчи лицензияси ҳамда гувохномаси талаб этилади

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ишчи-ходимлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа ташкилотининг иш тажрибасига эга бўлган мутахассислари тўғрисида маълумотнома бўлиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 90 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 90 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари, салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа ташкилотининг молиявий холати тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши шарт (солиқдан қарздорлик, охирги 1 йиллик иш ҳажми ва бошқалар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажарганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 70 | Экспертная | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 20 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Критерий №7 Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа ишларини бажаришда фойдаланиладиган замонавий оргтехникалар ҳамда дастур тўғрисидасига маълумот бўлиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий** | 100 | бор | 90 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **корхонаси** | | | | | | |
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 100 | бор | 90 | Экспертная | | |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 100 | бор | 100 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 35 320 000.00 | 35 295 000.00 | 13.04.2022 07:35:41 | 9.99 |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 35 320 000.00 | 35 270 000.00 | 13.04.2022 16:08:08 | 10.00 |
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 35 320 000.00 | 35 310 000.00 | 09.04.2022 10:44:57 | 9.99 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"Фаргона гарант лойиха сервис" хусусий корхонаси** | 77.4 | 9.99 | 87.39 |
| **ООО " FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"** | 90 | 10 | 100 |
| **"МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси** | 83.7 | 9.99 | 93.69 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 62556 от 13.04.2022 года на приобретение "Фарғона вилояти Фурқат тумани "Ғунча" МФЙ Шўхай қишлоғида наъмунавий лойихалар асосида қурилаётган 2 дона 5 қаватли 3 подъездли 30 хонадонли уй-жойлар учун ичимлик ва оқава сув объекти" га тик қудуқ определила победителем:

ООО "FARG'ONAUMUMTADBIRQURLOYIHA"
300196437

и резервный исполнитель: "МАРИФАТ СУВ ЛОЙИХА" хусусий корхонаси (300831105)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ALTINBAYEV ALISHER AVAZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | A'ZAMOV SHUXRATJON MUXTOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMAROV ISLOMJON YUNUSALIYEVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | Abdullayev Elmurod Ergashevich | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMAROV BEKZOD BAXRAMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП